



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 4 апрель, № 67 (6250)

Шанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАН МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон раҳбари номига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиндан келган қутловда Хитой ҳукумати ва халқи номидан самимий табрик ва эзгу истаклар билдирилган.

Қутловда Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлиги юксалиб, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи муттасил ошиб бораётгани таъкидланган. Ўзбекистон давлат қурилишининг барча соҳаларида бундан буён ҳам янги ва янада улкан муваффақиятларга эришишига ишонч билдирилган.

ХРР раҳбари Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ўзаро ишонч, дўстлик ва самимий муносабатларга асослангани таъкидлаган. Дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўтган 23 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда изчил ривожланиш суръатлари сақланиб келмоқда, сиёсий соҳадаги ўзаро ишонч ҳар томонлама мустаҳкамланиб, манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари ривожланмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлигининг ривожланиш суръатини юксак баҳолаб, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида янги босқичга кўтариш учун биргаликда ҳаракат қилишга тайёр эканини билдирган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ислам Каримовни сайловда ишончли ғалаба қозонгани билан самимий қутлаган.

Қутловда сайлов яқунлари Ислам Каримов мамлакатда юксак обрў-эътиборга эга эканини тўлиқ тасдиқлаши қайд этилган. Бу, шубҳасиз, Ислам Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги хизматларининг, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал этишда эришяётган ютуқларининг кенг эътирофидан далолатдир.

Россия Президентини Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик ва стратегик шериклик мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, ўзаро муносабатларни, минтақавий ва халқаро соҳада амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича дўстона мулоқот ҳамда биргаликдаги ҳаракатларни давом эттиришга тайёр эканини билдирган.

Шунингдек,

Корея Республикаси Президенти — Пак Кин Хэ

Италия Республикаси Президенти — Сержо Маттарелла

Туркия Республикаси Президенти — Ражаб Таййиб Эрдуған

Латвия Республикаси Президенти — Андрис Берзиньш

Қозоғистон Республикаси Президенти — Нурсултон Назарбаев

Туркменистон Президенти — Гурбангули Бердимухамедов

Тожикистон Республикаси Президенти — Имомали Раҳмон

Озарбайжон Республикаси Президенти — Илҳом Алиев

Беларусь Республикаси Президенти — Александр Лукашенко

Грузия Бош вазири — Ираклий Гарибашвили

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — Абдул Ҳамид

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири — Шайх Ҳасина Вазед

Корея Республикасининг собиқ Президенти — Ли Мён Бак

МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби — Сергей Лебедев

Европа Парламенти вице-президенти — Ричард Чарнецки

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори — Чжан Синьфэн

Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутаты — Кёко Накаяма

«ЛУКОЙЛ» нефть компанияси президенти — Вагит Алекперов

«Транснефть» АК ОАЖ вице-президенти — Владимир Рушайло

М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академик — Виктор Садовничий

Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори, профессор — Виктор Гришин

Давлатлараро авиация қўмитаси раиси — Татьяна Анодина

ИТАР-ТАСС Бош директори — Сергей Михайлов

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — Борис Қандов

«INITEC Energia S.A.» компанияси бош директори — Франсиско Хавьер Гомес Гарсия

ҳам табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

юртимизда тадбиркор хотин-қизларнинг эзгу мақсадларини рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда



Пойтахтимизда “Замона аёли: Ватанимиз равнақиға ўз ҳиссамизни қўшамиз” деб номланган тадбир доирасида республика хунармандлари ва тадбиркор аёллари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўргазма-савдоси иш бошланди.

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Республика Марказий банки, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирнинг очилишида “Хунарманд” уюшмаси аъзолари, тадбиркор аёллар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, санъатшунослар, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди. Сўзга чиққанлар таъкидлагани-

дек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизлар фаоллигини кучайтириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, истеъдод ҳамда имкониятларини рўйбга чиқариш мақсадида қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар сабаб уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораёпти. Биргина ўтган йили Марказий банк томонидан Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда

аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган ўн бешта ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, тадбиркорлар учун қарийб бир триллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Жорий йилда ҳам ушбу мақсадлар учун 1 триллион 300 миллион сўм йўналтирилиши кўзда тутилган. Кўргазма-савдода бир юз эллик нафардан зиёд тадбиркор ҳамда хунарманд иштирок этмоқда.

— Қашқадарёда хунармандчиликнинг ўзига хос мактаблари бўлиб, улар орасида каштачилик, гиламдўзлик етакчи ўринни эгаллайди, — дейди вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмаси раиси Ойниса Очилова. — Бугун аёлларимиз ана шу хунарларни эгаллаб, кам бўлишмаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Парламентлараро алоқалар мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон билан Германия ўртасида парламентлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Конрад Аденауэр номидаги жамғарма ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Германия парламентлари аъзолари, халқаро ҳамда маҳаллий экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Унда ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, парламентлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Парламент амалиёти борасида тажриба алмашиди.

Германиянинг Тюрения ери парламенти депутatlари Майк Моринг ва Эвелин Гросс парламентлараро алоқаларни амалга ошириш, қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини ривожлантириш бўйича Германия тажрибасига оид маърузалар билан қатнашди. Улар Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларга, жумладан, бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловларига юқори баҳо бердилар.

Тадбирда қонунчилик иши сифатини, парламент назорати самардорлигини, сиёсий партиялар фракциялари ролинини янада ошириш борасидаги ислохотлар парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрнини сезиларли даражада мустаҳкамлагани таъкидланди.

Парламент фаолияти самарадорлигини юксалтиришда парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хорижий ҳамкасблар билан тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга экани эътироф этилди.

Меҳмонлар Қонунчилик палатасида парламентдаги кўпчилик — Демократик кучлар блокнинг ташкил этилиши ва икки фракциянинг парламент муҳолифати деб эълон

қилинишига алоҳида қизиқиш билдирдилар. Парламентдаги бундай янгиликларни кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, парламентаризмни ривожлантиришнинг энг муҳим шартлари сифатида партиялараро рақобат ва фракциялараро курашни кучайтириш, парламентнинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан амалий назорати самарали тизimini шакллантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Давра суҳбати ишчан руҳда, ўзаро манфаатдорлик асосида ўтди. Амалий муҳокамалар давомида икки мамлакат парламентлараро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид таклифлар ишлаб чиқилди.

Саиджон МАХСУМОВ.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Наманган шаҳрида жорий йил пойтахтимизда ўтказиладиган VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасига тавсия қилинган ишланмаларнинг соҳавий тақдимотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Илмий ишланмалар тақдимоти

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Фарғона водийсидаги бир қатор илмий тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар 120 дан зиёд ишланмалари билан қатнашди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги амалий ҳамкорликни кучайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

Кўшимча қувват, самарали фаолият

Ички ва ташқи бозордаги талабни чуқур ўрганиш кичик бизнес субъектларига янги бизнес лойиҳаларини рўйбга чиқариш имконини беради.

Буни Бухоро шаҳридаги “Тола ипак текстиль” масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ерда энгил саноат тизимида харидоригр саналган ўндан зиёд турдаги пишиқ матолар тайёрланади. 2011 йилда банкдан олинган 650 миллион сўм миқдордаги кредит маблағи эвазига ўз фаолиятини йўлга қўйган корхонада айни пайтда ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш тadb

бирлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Чунончи, жорий йилнинг дастлабки чорагида бу ерда яна бир бизнес лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Яъни замонавий технология юсуна харид қилиниб, корхона фаолияти кўшимча қувватлар ҳисобига кенгайтирилди. Натижада ўндан зиёд иш ўрни юзага келди. “Тола ипак текстиль”да ҳозир қирқ нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилаёпти.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технология афзаллиги

Термиз шаҳридаги “Интер Силк Про” қўшма корхонаси йилга 600 тоннадан зиёд пиллани қайта ишлаш қувватига эга. 400 киши меҳнат қилаётган ушбу ишлаб чиқариш субъектида яқинда янги бизнес-режа амалга оширилиши билан яна 24 та иш ўрни яратилди.

110 минг АҚШ доллари миқдордаги сармоя

эвазига ҳаётга татбиқ этилган мазкур лойиҳа бир қатор янги имкониятларни юзага келтирди, — дейди қўшма корхона раҳбари Олимжон Жумаев. — Масалан, шу пайтга қадар ипақдан калава ип тайёрлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқит ташлаб юбориларди. Эндиликда эса илғор технология ёрдамида ушбу иккиламчи хом ашёдан момки ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундай маҳсулотга юртимиздаги энгил саноат корхоналарида талаб юқори.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оролбўйида замонавий маърифат маскани

Қорақалпоғистон Республикаси ахборот-ресурс марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Нукус шаҳридаги “Истиқлол” болалар ёғи дам олиш маскани бағрида қад ростлаган ушбу иншоот қурилишига 4 миллиард 125 миллион сўм йўналтирилди.

— Муассасамиз замонавий қўлайликларга эга, — дейди мазкур марказ директори Зулфия Сейитниязова. —

Компьютер хоналари, мутолаа заллари энг сўнги жиҳозлар билан таъминланган. Бу эса оролбўйилик китобхоналарга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш имконини беради.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ёшлар учун кенг имконият

Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида бошланган “Таълим ва мутахассислик — 2015” XII халқаро кўргазмасида Ўзбекистон, Сингапур, АҚШ, Польша, Буюк Британия, Хитой, Корея Республикаси каби қатор давлатларнинг олтишдан зиёд етакчи олий ўқув муассасалари ва тил марказлари вакиллари иштирок этмоқда. Шунингдек, иш берувчи ташкилотлар орасида юртимиздаги кўплаб мобил алоқа компаниялари, турли ишлаб чиқариш корхоналари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Тошкент шаҳридаги бандликка кўмаклашиш марказлари қатнашаётир.

Илмий ишланмалар тақдимоти

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Хусусан 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор олий таълим, фан ҳамда илмий тадқиқот муассасаларининг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш, илмий изланишлар натижаларини амалиётга дадиллик билан жорий этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбир давомида саннат қорхоналари, фермер хўжалиқлари ва кичик бизнес субъектлари вакиллари тақдимот этилаётган инновацион лойиҳалар билан яқиндан танидиладар. Жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, пахта тозалаш қорхоналаридаги технологик жараёнларни такомиллаштириш каби йўналишлардаги бир қатор ишланмалар кўпчилигининг эътиборини тортиди. Айниқса, Фанлар академияси қошидаги республика энергетика ва ав-

томатика институти тақлиф этган мини ГЭС ҳамда электр тежамкорлиги лойиҳаси ташириш буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Боиси, кичик сой ва каналларга мўлжалланган ушбу қурилмани ишга тушириш орқали исталган ҳудудда қўшимча электр қувватларини ҳосил қилиш имконияти юзага келади. Яна бир жиҳати, бу лойиҳани амалга оширишда тижорат банкларининг имтиёзли кредитидан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, кўрғазмада илм-фан тараққиёти йўлидаги изланишларнинг назарий жиҳатлари ҳам муҳокама этилди. Унда олимлар ва ёш тадқиқотчилар қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, кимё, биология, биотехнология соҳасидаги изланишлари борасида ўзаро фикр алмашдиладар.

Кўрғазма якунида илмий муассасалар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида 392 миллион 100 минг сўм қийматидаги 20 дан ортиқ шартномалар имзоланди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАЪЛИМ

Пойтахтимизда таълим тизимида чет тилларни ўргатишни янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Чет тиллар пухта ўқитилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Маълумки, юртимизда навқирон авлодга пухта билим бериш жараёнида уларга чет тилларни ўргатиш масаласига ҳам устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётган. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу йўналишда янги босқични бошлаб берди.

Ушбу қарорга асосан, узлуксиз таълим тизими доирасида чет тилларни ўрганишдаги давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурлар такомиллаштирилди. Хорижий тиллар бўйича дарслик ҳамда ўқув-услубий мажмуаларни модернизациялашга оид "Presett" дастури асосида интеграллаштирилган ўқув режа ва дастурлар амалиётга жорий этилмоқда. Шунингдек, ўқув адабиётлари


ҳамда дарсликлар яратилди. Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича халқро тажрибани эътиборга олган ҳолда, хорижий тил кабинетига оид жиҳозлаш меъёрлари ишлаб чиқилди. Яъни Тошкент ахборот технологиялари университети олимлари томонидан яратилган "Lingvo X" дастури тажрибадан ўтказилди.

Дастур ёрдамида локал тармоқдаги компьютер синфи лингафонли компьютер синфи сифатида фаолият кўрсатади. Жанубий Кореянинг КОИКА ташкилоти билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетларининг ўқув лабораториялари базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Таълим тизимида чет тилларни ўрганишни оммалаштириш борасида халқро ташкилотлар ҳамда хорижий таълим муассасалари билан ҳам самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Хусусан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Британия Кенгashi томонидан ишчи гуруҳи тузилди.

Дилмурод СОДИҚОВ.

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ



юртимизда тадбиркор хотин-қизларнинг эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўтган йили уюшмамиз қошида "Устоз — шогирд" аънанаси асосида 2 мингдан зиёд коллеж ўқувчилари ҳамда битирувчилари бўлган қизларни жамлаб, хунармандчиликнинг 17 та йўналиши бўйича махсус ўқув ташкил этдик. Улар орасидан тадбиркорлик билан шугулланиш йўналишида бўлган 50 нафар қизга "Микрокредитбанк"дан имтиёзли кредит олишларига ёрдамлашдик. Айни пайтда ёш тадбиркорларнинг ҳар бири уч-

тўрттадан янги иш ўринлари яратди.

Тадбир доирасида хунармандчиликнинг бир қатор йўналишлари бўйича "Маҳорат сабоқлари", ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Кўрғазма-савдода Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Мажнуда ХОЛМАТОВА,
Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Атроф-муҳит мусаффолиги ва экологик барқарорлик

Атроф-муҳит мусаффолиги ва экологик барқарорликни таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис истиқлол йилларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган кўплаб қонун ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг изчил ижроси таъминланмоқда.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида ўтказиш бўйича келинаётган "Тоза ҳаво" тадбири айтиш шундай мақсадга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Кеча Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасида 2015 йилда "Тоза ҳаво" тадбири йўлида ўтказиш бўйича ташкилий ишларнинг бориши ва галдаги муҳим чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, "Тоза ҳаво" тадбири

жорий йилда ҳам икки босқичда ўтказилади. Жумладан, унинг дастлабки 10 апрелдан 10 майгача, кейингиси эса 10 сентябрдан 10 октябргача давом этади. Ушбу давр мобайнида транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар томонидан атмосферага чиқариладиган зарарли газларни камайтиришга йўналтирилган назоратлар уюштирилади. Демак, миллий қонунчилигимизга кўра, автотранспорт воситаларининг эгалари ўз машиналарида ишлатилган газларнинг таркиби белгиланган меъёрларга мувофиқлигини текширишни таъминлашлари зарур.

Шу билан бирга, тадбир давомида нафақат шахсий автомобиллар, балки автокорхоналарга тегишли бўлган транспорт воситалари ҳам текширувдан ўтказилади. Бу жараёнда, шунингдек, автотранспорт

корхоналари ва уларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, автомобилларни таъмирлаш қорхона ҳамда ташкилотлари ҳам қамраб олинади.

Автотранспорт воситалари ҳолатининг назорати йўл-патруль хизмати инспекторлари билан ҳамкорликда кўчма ва муқим йўл-патруль масканларида олиб борилади. Текширувлар чоғида камчилик ёки қонунбузилиш ҳолатлари аниқланса, маъмурий чоралар кўрилиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилади.

Назорат ва таҳлил чоғида энг замонавий ускуналардан фойдаланиладиги, бундан кўзланган мақсад атмосферага белгиланган меъёрдан ортиқча газ чиқарилишининг олдини олишдир.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хусусиятларини узоқ вақт йўқотмайди

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари бўёқ ишлаб чиқаришнинг янги усулини яратди. У маҳаллий хом ашё асосида арзон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш имконини беради.

ТАЖРИБА

Мазкур инновацион технология дастлабки тажрибадан муваффақиятли ўтди. Мутахассисларнинг фикрича, кимёвий йўл билан ажра-

тиб олинган янги турдаги бўёқлар таркиби ва ранги жиҳатидан аънаналаридан унчалик ҳам фарқ қилмайди. Лекин жилоланиш даражаси

сизимий йўл билан ҳосил қилинадиган бўёқлар юртимизда илк бор ишлаб чиқаришга тавсия этиляпти. Ундан кимё, полимер, парфюмерия ҳамда тўқимачилик соҳасида кенг фойдаланиш мумкин.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мелиорация — юқори ҳосил гарови

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг долзарб масалалардан биридир. Негакки, фермер ва деҳқонларнинг даромади кўп жиҳатдан айнан мелиорация ишларининг ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сизот сувлари сатҳини пасайтириш, ерларнинг шўрланиш даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўламини йил сайин кенгайтирилмоқда.

ИСЛОХОТ

Президентимиз мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: "Биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир".

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, соҳага илгор инновациялар, замонавий технологиялар изчил татбиқ этилаётган. Айниқса, сув ресурсларидан

оқилона фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ мақсадли чоралар тадбирлар қўйилапти. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, махсус Давлат дастури қабул қилиниб, Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, шунингдек, "Ўзбекистоннинг давлат лизинг компанияси" ташкил этилди. Бу эса соҳада иш самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Гап шундаки, компания томонидан бугунги кунга қадар лизинг асосида сув хўжалиги қурилиш ишларини бажаришга итисослаштирилган давлат унитар корхоналари ва ундан фойдаланувчи ташкилотлар, сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда фермер хўжалиқлариغا 1900 дан ортиқ замонавий мелиорация техникалари, машина-механизмлар етказиб берилди. Улар ёрдамида ирригация-мелиорация тадбирлари ўз вақтида, сифатли амалга оширилмоқда.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ларининг қўйиладиган сезиларли даражада ошиди. Жумладан, пахтачиликда ўртача 2-3 центнер, галлачиликда эса 3-4 центнерга кўтарилди. Ўтган йили мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 500 минг тонналик юксак галлар ҳирмони бунёд этилгани эса, айниқса, қувонарлидир.

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида суғориладиган галлазорларнинг ҳар гектаридан ўртача 24-26 центнердан дон

хоннинг қатор мамлакатларида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги кузатилаётгани, Ер юзи аҳолисининг 840 миллион нафардан ортиғи тўйиб оватланмаётгани барчага маълум.

Илгари истеъмол учун зарур бўлган галланинг 80 фоизидан ортигини четдан олиб келган Ўзбекистонимиз эса мустақиллик шароити билан ўз халқининг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлабгина қолмасдан, балки ун ва бошқа асо-

сий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қиладиган мамлакатга айланди. Бу давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш вазифаси белгилаб берилгани, шу асосда тизимли амалий чора-тадбирлар кўрилгани самарасидир, албатта.

2014 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзусидаги халқро конференцияда иштирок этган дунёнинг нуфузли олим ва экспертлари бундан оқилоҳида эътироф этишди. Улар, хусусан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шу жумладан, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат томонидан кўлаб имтиёз ва преференциялар берилаётганини, ушбу тажрибани кенг ўрганиш зарурлигини бот-бот қайд этдилар.

Чиндан ҳам, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурини амалга ошириш борасида кўлаб имтиёзлар жорий этилган. Мисол учун, мелиоратив тадбирларда қурилиш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш бўйича бажарилаётган ишлар учун қўшимча қиймат солиғи олинмагани ҳолда, зарур дизель ёнилғиси имтиёзли нархларда етказиб берилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги

Қисқа

сатрларда

● Наманганда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Самарқандда виллоятдаги йирик саннат қорхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саннат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилмоқда. Кўрғазмада намойиш этилаётган маҳсулотларни харид қилувчилар шу ернинг ўзида шартнома имзолаб, ўзаро келишувга эришадилар.

● "Билимлар беллашуви — 2015" интеллектуал мусобақаларининг Тошкент шаҳар туман босқичлари бошланди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мутахассисларининг маълумотларига кўра, танловнинг туман босқичлари якунлари бўйича энг яхши натижаларга эришган ўқувчилар "Билимлар беллашуви — 2015" мусобақасининг май ойида ўтказиладиган шаҳар босқичида иштирок этади.

● Тошкент молия институтида мамлакатимиз иқтисодиётида молия секторининг аҳамиятини ошириш ва бу жараёнда хорижий тажрибадан фойдаланишнинг долзарб масалаларига бағишланган халқро илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Тадбирда мамлакатимиз банк-молия секторини барқарор ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётгани қайд этилди.

● Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Фарзандимга китоб совға қилан!" маърифий акцияси ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



ларининг кўп профили мавжуд паркинни янгилаш диққат-эътиборда бўлади. Яъни бу даврда 836 та замонавий техника, машина-механизмлар етказиб берилди. Буларнинг барчаси 1 миллион 132 минг гектар суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффицентини 2 фоиздан 10 фоизгача ошириш, 291 минг гектар заминни сув билан таъминлаш ва ҳар йили 2500 миллион куб метр обихаётни иқтисод қилиш имконини беради.

Қисқаси, мамлакатимизда ерларни соз ҳолга келтириш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу эса пировардида иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, халқимиз турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилапти.

Тўхтамурад ОТАҚУЛОВ,
«Ўзбекистоннинг
компанияси бўлим бошлиғи,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.



Истиқболли лойиҳалар — амалиётга

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда бошланғич сармоя хал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис «Ипотека-банк» жамоаси бизнесга қўл урганлар учун бошланғич сармояни шакллантириш, истиқболли бизнес-лоийҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жумладан, бултур шу мақсадга 161,5 миллиард сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Натijaда ишбилармонлар сафи йил сайн кенгайиб, бунинг самараси юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида кўзга яққол ташланмоқда.

Аниқроқ айтганда, бугунги кунда юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам янги технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш объеклари, замонавий инфратузилмага эга бўлган хизмат кўрсатиш тармоқлари кўпайиб бораётти. Бунда 2009 йил 28 январда қабул қилинган «Маҳаллий ноэтиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ўтган йили 162 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган тўғрисидаги импорти ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик корхоналар ташкил этилган бўлса, мавжудлари тубдан модернизация қилинди. Натijaда кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилди.

— Бизнес фаолиятини муваффақиятли ривожлантиришда «Ипотека-банк» яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди Фаргона вилоятидаги «Ермазор саноат сервис» хусусий корхонаси раҳбари Алишер Асқаров. — Бунинг самараси

ўларок, сувли бўёқларимизга ички бозорда талаб кўн сайн ортмоқда. Шуни ҳисобга олиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришга қарор қилдик. Бу борадаги бизнес-режамиз банк томонидан қўллаб-қувватланиб, ўтган йили 45 миллион сўмлик кредит берилди. Мазкур банк билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаб, келгусида кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқчимиз.

Таъкидлаш керакки, банкнинг молиявий кўмаги ушбу корхона фаолиятига ҳақиқий жўшқинлик бахш этди. Қўшимча иккита иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш ҳажми 53 фоиз ўсди. Энг муҳими, қуруқ қурилиш қўшимчаси тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

Дарҳақиқат, банк сармоялари иқтисодиётимизнинг барча соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтиришга қарийб 97 миллиард сўмлик, тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга 75 миллиард сўмлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 107 миллиард сўмлик, оилавий бизнес ҳамда ҳунармандчилик равнақи учун 8,3 миллиард сўмга яқин маблағлар ажратилди. Бу эса, ўз навбатида, бозорларимиз мўлқўллиги, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлашга хизмат қилаётти.

Ишбилармон ёшлар сафи кенгаймоқда

Бугун юртимизда ёшлар камалоли учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Айтиқса, касб-ҳунар кол-

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашда банк тизимининг роли тобора ошиб бораётти. Чунки ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурлари ижросида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли инвестициявий лойиҳаларини

Ўтган йили тадбиркорлик субъектларига қарийб 662,3 миллиард сўм миқдоридан кредит ажратилгани, шунинг ҳисобидан кўплаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объеклари ишга туширилгани, 15 700 дан ортиқ иш ўринлари яратилгани ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАМКОРИ ВА ТАЯНЧИ

лежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш устувор вазифалардан бири эканлиги диққатга сазовор. Бу борада «Ипотека-банк» ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда.

Гап шундаки, ўз келажагини кичик бизнес билан боғла-

10 миллиард сўмликдан ортиқ микрокредитлар ажратилди. Пировардида кўплаб ёшлар доимий даромад манбаига эга бўлиб, ҳам оиласи, ҳам жамиятга фойда келтирмоқда.

Ёшларнинг бизнесга қизиқишини кучайтириш, бу борадаги қўбиланишни юзага чиқаришда меҳнат ярмаркалари, турли қўриқ-танловлар ўтказилиб, уларнинг гоилиблари ра-

томонидан ўтказилган танловда «Энг яхши лойиҳани амалга оширган коллеж битирувчиси» номинацияси бўйича голиб деб топилиб, имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни кўлга киритди.

Мана, бугун унинг мустақил равишда иш юритаётганига бир йил тўлди. У банк томонидан тикувчиликни ривожланти-

кийим-кечаклар, кўрпа, кўрпача, чойшаб ва бошқа уй-рўзгор буюмлари тиқишга киришдим, — дейди Азиза Хўжамқулова. — Ўзим тикувчилик сирасорларидан хабардорлигим боис бу қийинчилик туғдирмади. Ҳозирги кунда беш нафар тенгдошим билан бирга аҳолига хизмат кўрсатаёلمиз. Келгусида фаолиятимизни янада ривожлантириб, қўшимча иш жойлари очмоқчимиз. Бунинг учун яна «Ипотека-банк»нинг молиявий хизматидан фойдаланамиз, албатта.

Муносиб баҳо, юксак эътироф

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «BankExpo — 2015» миллий кўргазмаси доирасида ўтказилган танловда «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки «Тадбиркорларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи» ҳамда «Энг яхши реклама компанияси» номинацияларида голиб, деб топилди.

Кувонари жиҳати, ушбу тадбир асосида банкнинг кўплаб мижозлари ҳам бир қатор номинациялар бўйича тақдирланди. Хусусан, унинг

Муҳтасар айтганда, «Ипотека-банк» жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳаларни рўйбга чиқариш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида барча имкониятни сафарбар қилган ҳолда, янги, қулай ва тезкор молиявий хизматларини тақлиф этмоқда. Бу эса унинг молиявий хизматлар бозоридagi мавқени ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги иштирокини янада фаоллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Банк материаллари асосида С. РАҲМОНОВ тайёрлади.



моқчи бўлган ёшларга ўтган йилнинг ўзида 15,5 миллиард сўм миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида

батлантирилаётгани ҳам қутилиш натижаларини бермоқда.

Сурхондарёлик Азиза Хўжамқулова — банк мадади билан бизнес фаолиятини бошлаган ёш тадбиркорлардан бири. У «Ипотека-банк»

риш, маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун 2 йил муддатга 69 миллион сўм кредит берилгандан беҳад мамнун.

— Бу маблағ эвазига 5 дон тикув машинаси сотиб олиб,

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фаргона филиалида 2015 йил 6 май куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Фаргона шаҳар СИБ томонидан, ФВХСнинг 2013 йил 23 декабрдаги 15-413-09/26540-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фаргона шаҳри, 64-сонли «Баркамол» МФЙ, Янги аср кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 4030,76 кв.м., қурилиш ости майдони 3876,44 кв.м. бўлган, 0001-0008 литерлардаги автомобиллар тўхташ жойи бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 57 480 557 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 4 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2015 йил 22 апрель куни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда тақроран қўйилмоқда:

1. Фаргона шаҳар СИБ томонидан, ФВХСнинг 2014 йил 4 августдаги 15-1408/8632-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фаргона шаҳри, «8-Ёшлик» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 12-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 1639,07 кв.м., фойдаланиш майдони 2499,31 кв.м. бўлган, 0001, 0001а, 0001б, 0002 ва 0004 литерлардаги «Принц» клуби («Ёшлик» кафеси).

Бошланғич баҳоси — 420 000 000 сўм.

2. Суд департаментининг Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фаргона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Олтиариқ тумани, «Ҳамза» ШФЙ, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 1923,25 кв.м., фойдаланиш майдони 1934,30 кв.м. бўлган, 0001-0009 литерлардаги тўйхона мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 668 463 358 сўм.

2. Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Шарқ» МФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4646,27 кв.м., фойдаланиш майдони 3997,47 кв.м. бўлган, 0001-0012 литерлардаги «Алюминпрофил»

МДФ эшик ромларини ишлаб чиқариш цеҳи.

Бошланғич баҳоси — 508 279 390 сўм.

3. Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, Қапчугай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012 кв.м. бўлган, 0001-0016 литерлардаги керамзит базаси.

Бошланғич баҳоси — 280 252 852 сўм.

4. Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зурайимо» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 11365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012 литерлардаги молхона комплекси.

Бошланғич баҳоси — 354 446 129 сўм.

5. Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Қапчугай» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 3585,71 кв.м., фойдаланиш майдони 3361,38 кв.м. бўлган, 0001-0014 литерлардаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш цеҳи.

Бошланғич баҳоси — 430 834 676 сўм.

6. Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Кўмирчи» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 112,23 кв.м., фойдаланиш майдони 87,91 кв.м. бўлган, 0001 литердаги 4-сонли савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 35 456 693 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 20 апрель куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридagi кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Фаргона ш., Бурхониддин Марғинойий к., 35-уй, «Биржа маркази», 2-кават, 19-хона.
Тел.: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2014 йил 17 январдаги 478/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ж. Остонов кўчаси, 4-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 3704,0 кв.м., бўлган мотор цеҳи биноси тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 509 386 915,83 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 21 апрель куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилиниб, аукцион бошланишидан бир кун олдин

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: (0-371) 254-69-13.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Фаргона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида арзонлаштирилган нархларда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Суд департаментининг Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фаргона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Нишонбод» МФЙда жойлашган лаборатория биноси ва ёрдамчи бино-иншоотлари тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 388 045 369 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 24 апрель куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

тўхтатилади. Талабгорлар савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «New estate action» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

WWW.XS.UZ

НАМАНГАН шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўсмирлар ўртасида теннис бўйича ИТФ туркумига кирувчи халқаро турнир ўтказилди.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Солиқов.
Мусахҳач — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5